



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI SAMARQAND VILOYATI
ISHTIXON TUMAN HOKIMLIGI
MOLIYA BO‘LIMI**

140700, Ishtixon shahri, A.Temur kochasi 3-uy, tel.:(66) 629-18-19, e-mail: ishtixon-moliya@exat.uz, ishtixonmoliya@SAM.mf.uz

**Иштихон туманининг маҳаллий бюджети, захира жамғармаси ва
унинг ижроси бўйича маълумот**

Халқ депутатлари Иштихон туман Кенгашининг 2021 йил 30-декабрда IV-59-140-7-95-Q/21-сонли “Иштихон туманининг 2022 йилги маҳаллий бюджетини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Ушбу қарорга асосан Иштихон тумани маҳаллий бюджетининг 2022-йил учун даромадлари **118 834,8 млн. сўм**, харажатлари **184 591,3 млн.сўм** прогноз қилинган ҳамда республика бюджетидан ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар **65756,4 млн.сўм** ва маҳаллий бюджетнинг **захира жамғармаси 1 741,4 млн.сўм** миқдориди белгиланди ва ушбу суммага Иштихон туман ҳокимлиги томонидан харажатлар сметаси тузилди ва рўйхатга олинди.


Захира жамғармаси маблағлари ҳисобидан жорий йилнинг 1 июл ҳолатига туман ҳокимининг фармойишлари билан жами **1040,2 млн.сўм** маблағ турли тадбирлар учун йўналтирилди. **1038,6 млн.сўм** касса харажати амалга оширилди. Жумладан;

- ⚡ Туман ҳокимининг 2022 йил 13 январдаги 7-7-95-F/22-сонли фармойишига асосан туманда ўтказилаётган хатловга сўровнома бланкалари олиш учун **39.7 млн. сўм**, 2022-йил 14-январ Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучлари ташкил этилганлигининг 30 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан совғалар олиш учун **11.3 млн.сўм**,
- ⚡ Туман ҳокимининг 2022 йил 15 февралдаги 26-7-95-F/22-сонли фармойишига асосан тумандаги обод қишлоқ дастурига тушган қишлоқларда та’мирлаш ишларига кетган бўёқ харажати учун **50.0 млн. сўм**, Афғон уруши қатнашчиларига байрам дастурхони харажатлари учун ва совғалар учун **18.4 млн. сўм**, Туман маҳаллалардаги ёшлар етакчиларига мебель жиҳозлари учун **78.5 млн. сўм**,

- ✚ Туман ҳокимининг 2022 йил 4 мартдаги 37-7-95-F/22-сонли фармойишига асосан 8-март халқаро хотин-қизлар байрами муносабати билан ташкил қилинган байрам дастурхони ва совға харажатлари учун **22.0 млн. сўм**,
- ✚ Туман ҳокимининг 2022 йил 18 мартдаги 41-7-95-F/22-сонли фармойишига асосан 21-март Наврўз умумхалқ байрами муносабати билан ўтказиладиган байрам тадбир харажатларга **12.0 млн. сўм**,
- ✚ Туман ҳокимининг 2022 йил 19 апрелдаги 56-7-95-F/22-сонли фармойишига асосан Чимқургон МФЙ Полопон кишлоғига трансформатор пункти олиш учун **20.0 млн. сўм**, Муротобод МФЙ Янгиобод кишлоғида яшовчи Саидов Баҳромнинг ўғлини Россия Федерациясидан Ўзбекистонга олиб келишга кетадиган авиачипта харажати учун **17.3 млн. сўм**,
- ✚ Туман ҳокимининг 2022 йил 27 апрелдаги 62-7-95-F/22-сонли фармойишига асосан Ўзбекистон Республикаси Кўзи ожизлар жамиятининг 90 йиллик байрами муносабати билан ташкил этиладиган байрам дастурхони ва совғалар учун **38.5 млн. сўм**, Муротобод МФЙ Янгиобод кишлоғида яшовчи Саидов Баҳромнинг ўғлини Россия Федерациясидан Ўзбекистонга олиб келишга кетадиган авиачипта харажати учун **17.3 млн. сўм**,
- ✚ Туман ҳокимининг 2022 йил 11 майдаги 71-7-95-F/22-сонли фармойишига асосан Қорақалпоғистон Республикаси Нукус тумани Арбачи ОФЙга совғалар учун **13.0 млн. сўм**, тумандаги маҳаллаларга гул кўчатлари олиш учун **78.4 млн. сўм**,
- ✚ Туман ҳокимининг 2022 йил 28 майдаги 78-7-95-F/22-сонли фармойишига асосан 2022 йилги чақирув мавсумида муддатли харбий хизматга чақирилаётган Иштихон туманидаги 165 нафар чақирилувчиларни жихозланган сўмқалар билан таъминлаш учун **27.2 млн. сўм**,
- ✚ Туман ҳокимининг 2022 йил 18 июндаги 88-7-95-F/22-сонли фармойишига асосан 2022 йил 21 июн куни “Ўзбекистон ёшлари бирлашайлик” шиёри остида ўтказиладиган ёшлар фестивалига кетадиган харжатлар учун **230.0 млн. сўм**,
- ✚ Туман ҳокимининг фармойишларига асосан кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам учун **56.6 млн. сўм** ва бошқалар учун **310.0 млн. сўм** маблағлар ажратилган.

Иштихон туман маҳаллий бюджети захира жамғармасининг 3 ва 4 чораклар учун харажатлар сметасида **701.2 млн. сўм** маблағ қолди. Ва бу туман ҳокимининг фармойишлари асосида турли тадбирлар учун йўналтирилади.

Ishtixon tuman hokimligi
moliya bo'limi mudiri:



S.Ibragimov